Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 Ташаббуслар учун кенг майдон

05 Партиявий лойиҳалар асосида

08 Машъала Наманганга йўл олди



2014 йил 29 май, пайшанба, 21 (549)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ХАБАРЛАР

## Асиланинг асл режалари

Поплик Асилахон Абдумаликова Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловнинг «Аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш» номинациясида иштирок этиб, «Оилавий бизнесни ривожлантириш, ёшларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш» мавзуидаги лойиҳаси учун 15 млн. сўм гранд маблағини қўлга киритди.

— Ушбу маблағ эвазига замонавий тикув дастгоҳлари сотиб олиб, бепул тикувчилик ўқув марказини очдим, — дейди ёш тадбиркор, O`zLiDeP аъзоси А.Абдумаликова. — Айни пайтда бу ерда 3 нафар чевар 70 нафар коллеж битирувчисига тикувчилик сирларини ўргатмоқда. Жорий йил августигача яна 30 нафар қизни ўқитмоқчимиз. Келажакда эса ўқув марказимиз фаолиятини кенгайтиришни, хусусан, ана шундай грандлар ҳисобига тикувчилик цехини очиб, 15 нафар қизни иш билан таъминлашни кўзлаб турибман.



## Миллий стенд сафарга тайёр

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда намойиш этиладиган Миллий стенди тасдиқланди.

Ушбу стендни тасдиқлаш маросимида «Ўзбектуризм» МК мутасаддилари, компания ҳамкорлари — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДТЙК вакиллари иштирок этиб, 2014 йилнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз TOP RESA (Франция, 23-26 сентябрь), JATA (Япония, 25-28 сентябрь), TTGIncontri (Италия, 9-11 октябрь) ва WTM (Буюк Британия, 3-6 ноябрь) каби халқаро кўргазмаларда қатнашиши эълон қилинди. Хабарларга кўра, айнан ана шундай сайёҳлик ярмаркаларида намойиш этиладиган миллий стендни тайёрлаш учун маҳаллий корхоналар, шунингдек, Венгрия, Польша, Латвия, Италия ва Япония компаниялари ўртасида тендер ўтказилган. Ғолибликни эса «Lateca» (Латвия) компанияси вакиллари қўлга киритган. Юқорида қайд этилган кўргазмаларда Ўзбекистон Миллий стенди орқали юртимизнинг кўплаб йирик туристик операторлари ўз хизматларини намойиш этиши кутиляпти.



# Ўзбекистон — ёшлар мамлакати

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган йигит-қизлар дунё аҳолисининг 18 фоизи (1,2 миллиардга яқин киши)ни ташкил этади**

Уларнинг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилмоқда. Сайёрамизда ўта қашшоқ шароитда яшовчи бир миллиард кишидан 238 миллион нафари ҳам ёшлардир. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳар йили 10 миллиондан ортиқ бола очлик ва турли оғир касалликлар оқибатида ҳаётдан кўз юмаяпти. Бу кунига 300 мингдан ортиқ ёки ҳар уч сонияда бир бола нобуд бўлмоқда, деганидир.

Айни кунда дунё бўйича 130 миллион нафарга яқин ёшлар (15-24 ёшдаги ўғил-қизлар) ўқиш ва ёзишни билишмайди. Қарийб 60 миллион нафар қиз бошланғич таълим олиш имкониятига эга эмас. Баъзи мамлакатларда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани эса аёллар ва болалар ўлимининг янада кўпайишига олиб келаётир.

4 ▸▸

# Сайловчилар демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ O`zLiDeP фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Дастлабки маълумотларга қараганда, шу кунгача фракция аъзолари жойларда 260 га яқин учрашув, давра суҳбати ва очиқ мулоқотларда қатнашганлар. Депутатларнинг фикрича, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорларида белгилаб берилган вазифалар, айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган ғоялар асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар муҳокама этилаётган учрашувларда электорат вакиллари демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётган давлат дастурлари ижросини таъминлашда янада фаол иштирок этишларини таъкидламоқдалар.**



**Фахриддин ЗОИРОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Энг аввало, юртдошларимиз ва партия фаолларининг ушбу тадбирларга алоҳида тайёргарлик кўрганларини таъкидлашни истардим. Буни учрашувлар чоғида кўтарилган масалалар, қонун лойиҳалари, Давлат дастурлари юзасидан берилаётган саволлардан ҳам кўриш мумкин.

3 ▸▸

## Юқори натижаларга қуйи бўғинда замин яратилади

**O`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида 2014 йилнинг декабрь ойида ўтадиган сайловлар даврида бошланғич партия ташкилотларининг роли ниҳоятда муҳим экани қайд этилди**

Ҳақиқатан ҳам айни пайтда муҳим сиёсий тадбирга алоҳида тайёргарлик кўраётган O`zLiDePнинг ҳар бир бўғинида ўтган йиллардаги натижалар таҳлил этилиб, бугунги долзарб вазифалар электорат вакиллари манфаатидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олиняпти. Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ етакчилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этган навбатдаги тадбирда асосий эътибор партиянинг ғоя ва мақсадларини кенгроқ тарғиб этишда партиявий лойиҳалардан, сайловчилар мурожаати, таклиф ва тавсияларини муҳокама қилишда эса маҳаллий кенгаш депутатлари ваколатларидан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилди.

5 ▸▸

ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ:

# Ишончли ҳамкорликнинг юксак самаралари

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Андрис Берзиньш шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Латвиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентлар тор доирадаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Латвияни кўп йиллик ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туришини, ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчиллигининг яна бир ифодаси эканини таъкидлади.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мустақиллик йилларида шаклланган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ижобий тажрибасига таянади. Латвия делегациясининг ушбу ташрифи ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган шериклик муносабатларимиз ривожида муҳим воқеа, олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотларнинг мантиқий давомидир, – деди Ўзбекистон раҳбари.

Андрис Берзиньш Латвия Ўзбекистонга улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор сифатида қарашини қайд этди.

– Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар кенг кўламли ва мустаҳкам. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги хизматларини, ўзаро ҳамкорлигимиз ва халқаро ҳаётда рўй бераётган жараёнларга оид қарашларини юксак қадрлаймиз, – деди Латвия Президенти.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Мазкур ташриф чоғида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

2 ▸▸

# Ўзбекистон – Латвия бизнес-форуми

**Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 28 май куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, авиаташув, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мебелсозлик, меъморчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, божхона, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ушбу бизнес-форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий йўналишлардаги ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда изчил ривожлантириш тарафдори эканини, бунинг учун ҳар икки давлатда ҳам салоҳият ва имкониятлар катта эканини қайд этди.

Латвия – Ўзбекистоннинг Европа минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, солиқ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, маданият, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

2 ▸▸

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

«Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида иштирок этган **500** нафарга яқин хотин-қизнинг **33** нафарига **658** млн. сўм миқдорида кредит ажратилди**.** Ана шу кредитлар ҳисобига **78** та янги иш ўрни ташкил этилганини партиявий лойиҳанинг реал натижаси, дея баҳолаш мумкин**.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 27 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2120,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3866,05 |
| 1 Дания кронаси | 419,12 |
| 1 БАА дирҳами | 625,24 |
| 1 АҚШ доллари | 2296,43 |
| 1 Миср фунти | 321,97 |
| 1 Исландия кронаси | 20,33 |
| 1 Канада доллари | 2114,00 |
| 1 Хитой юани | 368,23 |
| 1 Малайзия ринггити | 716,40 |
| 1 Польша злотийси | 753,18 |
| 1 СДР | 3540,21 |
| 1 Туркия лираси | 1103,84 |
| 1 Швейцария франки | 2562,41 |
| 1 ЕВРО | 3158,92 |
| 10 Жанубий Корея вони | 22,44 |
| 10 Япония иенаси | 225,38 |
| 1 Россия рубли | 66,92 |
| 1 Украина гривнаси | 196,02 |

*) *Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«XXI ASR» 21 (549)-сон, 2014 йил 29 май, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

# Ташриф

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТИ, БИЗНЕС ЮРИТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР, ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР ҲАМДА ЮРТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛИК БИЗНЕСМЕНЛАРНИНГ, ЖУМЛАДАН, ЛАТВИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ФАОЛ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ҚИЗИҚИШИНИ ТОБОРА ОШИРМОҚДА.**

## Ишончли ҳамкорликнинг юксак самаралари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

— Парламентлараро ҳамкорлик қонун ижодкорлиги борасида яхши самара бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ҳамда 2012 йилда Ўзбекистон парламентида ташкил қилинган Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки мамлакат ички ишлар ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив маслаҳатлашувлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, кўплаб соҳаларда яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Иқтисодиёт, савдо ва саноат соҳаларида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид келишувлар амал қилмоқда.

Латвия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мева-сабзавотлар, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа товарлар экспорт қилади. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, денгиз маҳсулотлари, пластмасса етказиб беради, логистика хизмати кўрсатади. 2013 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 250 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Жорий йилнинг апрель ойида Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилди. Савдо уйига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мевалар етказиб берилмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида мазкур савдо уйи орқали қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд шартномалар тузилган.

Юқори даражадаги учрашув ва мулоқотлар, бизнес-форумлар муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари Латвия пойтахтида ўтказилган Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форуми савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўтган йилнинг кузида мамлакатларимиз ҳамкорлигида 343 қўшма корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 392 тага етган.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан. Икки мамлакат Евроосиё транзит йўлагининг муҳим қисмларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо юклари Европа давлатларига Латвия портлари орқали етказиб берилмоқда. 2013 йилда темир йўл юклари ташиш ҳажми 146 минг тоннадан ошган. Мамлакатларимиз минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Миллий авиакомпаниялар ўртасидаги алоқалар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўн йил олдин йўлга қўйилган Тошкент – Рига – Нью-Йорк ҳамда Нью-Йорк – Рига – Тошкент авиақатнови мамлакатларимизни боғлаб турибди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини билдирдилар. Ислом Каримов Латвия Республикасига 2015 йилнинг биринчи ярмида Европа Иттифоқига раислик қилишда муваффақият тилаб, Марказий Осиё мавзуси Латвия раислигининг устувор йўналишлари қаторига киритилганини юқори баҳолади.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада 2002 йилда имзоланган Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорликка оид битимга мувофиқ тузилган Ўзбекистон – Латвия қўшма комиссияси муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Президентлар минтақада барқарорлик ва хавфсизлик таъминланишидан, Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида тартибга солинишидан манфаатдор эканликларини таъкидладилар. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга. Икки мамлакат вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқалари самарасида бу соҳаларда кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка катта қизиқиш билан қарайди. Латвияда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби қадимий ва навқирон шаҳарларимизни келиб кўришни хоҳловчилар кўп. Мамлакатимиздан Болтиқбўйидаги дам олиш масканларига борувчилар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Соҳага ишбилармонларни жалб этиш, саёҳатчиларга янада қулайлик яратиш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек, 2006 йилда машҳур аллома Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, улуғ аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромининг яққол ифодаси бўлди.

Тошкент ва Рига биродарлашган шаҳарлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакатнинг фольклор жамоалари, фото ва тасвирий санъат усталари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Латвияда 370 нафардан ортиқ ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда. Техника ва муҳандислик ихтисосликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу алоқалар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Латвия Таълим ва илм-фан вазирлиги ўртасида имзоланган Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида изчил ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидладилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенцияси (1992 йил, Хельсинки), Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясидан (1997 йил, Нью-Йорк) келиб чиқиб, минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, оқилона ва адолатли фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари минтақанинг трансчегаравий дарёларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш уларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсири бўйича мажбурий объектив халқаро экспертиза ўтказилганидан сўнггина амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги Европа Иттифоқи позициясини қўллаб-қувватладилар.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, Дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги меморандум, 2014-2016 йилларга мўлжалланган Маданий ҳамкорлик дастурига оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон – Латвия муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ёндашув ва позициялари ўхшаш ва яқин эканлигини қайд этди.

Давлат раҳбарлари бундай мулоқотларни изчил давом эттириш, барча соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Андрис Берзиньш Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форумида иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Латвия раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

***Давлат раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидладилар.***
***Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенцияси (1992 йил, Хельсинки), Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясидан (1997 йил, Нью-Йорк) келиб чиқиб, минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, оқилона ва адолатли фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар.***

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон – Латвия бизнес-форуми

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар, қонун билан кафолатланган преференциялар ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик омиллари чет эллик бизнесменларнинг, жумладан, латвиялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Латвиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб 250 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, транспорт ва логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларга ихтисослашган. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 19 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Латвия ишбилармонларига мамлакатимизда иқтисодиётни муттасил ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш омиллари, молиявий тизимни барқарор тараққий эттириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг нефть-газ, кончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти билан танишди. Латвиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сармоявий муҳити ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

– Ўзбекистон – Латвиянинг Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкорларидан, – деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазири Вячеслав Домбровский. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси мунтазам ўсиб бормоқда. Латвияда ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасида мунтазам амалга оширилаётган авиақатнов сайёҳлик соҳасидаги истиқболли ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Латвия Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори таълим жабҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компанияларидан юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. «LDZ Cargo», «Astra Logistic», «Ave Trans Group», «BAO», «HCT Automotive», «IMC Scrapers EAME», «Baltbio», «Travel Agency Spare», «Tonus Elast», «Lauma Fabrics», «A&A Logistic» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

– Компаниямиз тўқимачилик саноатида фаолият юритади, – деди «Nikol Djumon» компанияси раиси Николай Бирюков. – Ўзбекистон бозори ғоят истиқболли экани билан бизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда аёллар кийим-кечаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш ниятидамиз.

Бизнес-форум доирасида таълим, енгил саноат, тўқимачилик, экспортни қўллаб-қувватлаш ва коммунал соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Меҳмонлар «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва «Rieter Uzbekistan» корхоналари фаолияти билан танишди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

**КОРАКАЛПОҒИСТОН.**

Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежида O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман босқичига якун ясалди.

— Ёшларга мўлжалланган ушбу лойиҳа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Марказий банк ҳамда Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, — дейди халқ депутатлари Қўнғирот туман кенгаши депутати Г.Эгембердиева. — Йилдан-йилга лойиҳага бўлган қизиқиш ортиб бораётгани янги авлод вакиллари ўртасида партиямизнинг ғоя ва мақсадларини кенгроқ тарғиб қилиш имконини ҳам беряпти.

Тадбир давомида Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашда ушбу лойиҳа ҳам муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Қўнғирот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 3-босқич талабаси А.Жолдасова бундай лойиҳаларга чекка туманлардаги ёшлар ҳам жалб этилаётганидан мамнунлигини билдирди.

— Партия лойиҳасида тикувчилик цехи очишга оид бизнес-режам билан иштирок этдим, — дейди у. — Келажакда хушбичим кийим-кечаклар ишлаб чиқариб, юртимиз равнақига ҳисса қўшмоқчиман.

**КАШКАДАРЁ.**

Деҳқонобод туманида ўтказилган «Мулкдор оила» лойиҳасининг туман босқичи доирасидаги ўқув-семинарларда асосий эътибор ёшлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масалаларига қаратилди.

— Маълумки, O`zLiDeP бошқа партиялардан фарқли ўлароқ тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган партия бўлгани учун ҳам у илгари сураётган лойиҳалар айнан хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси Ашур Абдузоиров.

— Ушбу лойиҳада қатнашиб, 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлмоқчиман, — дейди ёш тадбиркор Шаҳло Тўраева. — Бизнес-режамга мувофиқ, янги очиладиган оилавий корхонамизда беш киши иш билан таъминланади.

Тадбир якунида иштирокчиларга айни пайтда O`zLiDeP олдида турган долзарб вазифалар, уларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки хусусида атрофлича маълумотлар ҳам берилди.

**ЖИЗЗАХ.**

O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг Жиззах шаҳар босқичи ўтказилди.

— Танловда ҳунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик, асаларичилик, балиқчилик, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда томчилатиб суғориш асосида иссиқхона ташкил қилишга оид бизнес-режалар муҳокама қилинди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходими Олим Норжигитов. — Биринчи ўрин атиргул чойини ишлаб чиқаришга оид бизнес-режа билан қатнашган Жиззах политехника институти ҳузуридаги 1-академик лицей ўқувчиси Мафтуна Қўшбоқовага насиб этди.

— Атиргул баргакларидан тайёрланган чой таркибида йод, руҳ, темир, хром каби фойдали моддалар бор, — дейди Мафтуна. — Хушбўй ҳидли ва бир қатор доривор хусусиятларга эга бўлган бу ичимликни ишлаб чиқариш кўп харажатни талаб қилмайди. Эътиборлиси, ушбу чойдан жароҳатларни тез битказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

# Ислоҳот

ДЕПУТАТЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ АВВАЛГИ МУЛОҚОТЛАРГА НИСБАТАН ЁШЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ФАОЛЛИГИДА ЎТАЁТИР. ЧУНКИ АЙНАН ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ЎЗ ЭРТАСИ, КЕЛАЖАГИГА БУГУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛГАНИНИ ТЎЛА ҲИС ЭТИБ, БУ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН БЎЛСА, ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКДАН ЭНГ КЎП МАНФААТДОР ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ СИФАТИДА ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЯПТИЛАР.

## Сайловчилар демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Масалан, Жомбой туманининг энг чекка қишлоқларида ташкил этилган мулоқотларда аксарият сайловчилар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижроси билан қизиқдилар. Шу ўринда бу галги учрашувлар ҳам юртдошларимиз дунёқараши, уларнинг ҳаётга, воқеликка муносабати ўзгарганлигини кўрсатди, дейиш мумкин. Очиғи, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида турли низолар, урушлар юз бераётган бир пайтда сайловчиларимиз томонидан яқин тарихимиздаги шарт-шароитлар билан бугунги кун натижалари қиёсланаётгани, тадбиркор ва фермерлар амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини ўртага қўяётгани, аёллар ва ёшлар эса бандлик дастури асосида янада кўпроқ иш ўринлари яратишга оид масалалар билан мурожаат қилаётганлари, шубҳасиз, мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамликдан, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамлигидан далолатдир.

46-ўрта таълим мактабида ўтказилиши режалаштирилган учрашувдан аввал мактаб директори Меҳрибон Шатанова «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва ҳудудларимизда барпо этилаётган махсус индустриал зоналарида эришилган натижалар ҳақида сўзлаб беришимни илтимос қилди. Учрашув давомида ҳам ана шундай янгиланишлар хусусида кўплаб саволлар тушдики, бу сайловчиларимизнинг иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни ҳам диққат билан кузатаётганларини, ҳеч бир ўзгариш улар эътиборидан четда қолмаётганини кўрсатади.



**Шоира ҲАЙДАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида ўтган учрашувларда асосан Бош қомусимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти хусусида кўплаб саволлар тушди. Айни пайтда энг чекка ҳудудларимизда ҳам йирик шаҳарларимиздагидек улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, болаларимиз замонавий мактаб ва коллежларда таҳсил олаётгани аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширяпти. Бугунгача ўтказилган 6 та учрашувдаги савол ва мурожаатларни таҳлил этиб шунга амин бўлдим. Бу биринчидан, сайловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга қизиқишлари юқори эканини кўрсатса, иккинчидан, ҳар бир юртдошимиз ана шу жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётганини англатади.

Қашқадарё бошоқли дон экинлари уруғчилиги селекцияси илмий-тадқиқот институтида ўтган тадбирда Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосий мавзуга айланди. Маълумки, ушбу муҳим ҳужжат партиямиз электорати бўлган фермерлар ва аграр соҳа вакилларининг янада самарали фаолият олиб боришларида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам учрашувда соҳа вакиллари билан ушбу қарордан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни муҳокама қилдик.



**Одил АШИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Шайхонтоҳур туманининг «Маннон Уйғур», «Шофайз» ҳамда «Исломобод» маҳаллаларида ташкил этилган учрашувлар сайловчиларни кўпроқ парламентда муҳокама этилаётган қонунлар қизиқтираётганини кўрсатди, дейиш мумкин. Мулоқотлар пайтида электр энергияси, табиий газдан фойдаланишда тежамкорликка амал қилиш масалаларигача эътибор қаратилди. Шу ўринда аксарият сайловчилар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси билан қизиққанларини таъкидлаш жоиз. Айрим учрашувларда сайловчиларимиз аҳолига хизмат кўрсатувчи баъзи бир корхоналар фаолияти юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш бўйича таклифлар ҳам бердиларки, улардан парламентдаги фаолиятимизда фойдаланамиз, албатта.

Учрашувларда партия фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари вакиллари иштирок этаётгани эса бизга кўплаб муаммоли масалаларни жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини беряпти.



**Барчиной МАШАРИПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Кўпгина учрашувларда сиёсий партияларга берилган ваколатлардан партия аъзолари қай даражада фойдаланилаётгани хусусида саволлар тушаётгани бежиз эмас. Чунки юртдошларимиз Конституциямизнинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайганини кўриб турибдилар.

Ёшлар, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирокидаги мулоқотларда эса электорат вакиллари «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасига жуда катта қизиқиш билдирганларини айтиш жоиз. «Хусусийлаштириш тўғрисида», «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам кўпчилик тадбиркорларимиз эътиборини тортаяпти.

Ҳа, чиндан ҳам депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари аввалги мулоқотларга нисбатан ёшлар, тадбиркор ва ишбилармонлар фаоллигида ўтаётир. Чунки айнан янги авлод вакиллари ўз эртаси, келажагига бугун мустаҳкам пойдевор қўйилганини тўла ҳис этиб, бу жараёнда фаол иштирок этаётган бўлса, тадбиркорлар, фермерлар мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор қатлам вакиллари сифатида ислоҳотлар изчиллигини қўллаб-қувватлаяптилар.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг учрашувлари 31 майга қадар давом этади. Шу кунгача ушбу тадбирларда 50 мингга яқин сайловчи иштирок этиб, улар кўтарган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимликларига 90 та, республика идораларига эса 50 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилганини қайд этиш мумкин. Учрашувлар давомида эса сайловчиларнинг 400 га яқин мурожаати жойларнинг ўзида ижобий ҳал этилди.




Солих ЗОИР олган сурат

## Ташаббуслар учун кенг майдон

O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАНГИОТА ТУМАНИДА «ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН ЕТУК, ЭРКИН ФИКРЛАЙДИГАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Ўз мухбиримиз**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Тадбир қатнашчилари аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, жисмонан соғлом ва маънан етук, эркин фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялаш, эрта никоҳнинг салбий оқибатларини аҳолига етказишда партия фаоллари ролини янада ошириш лозимлигини қайд этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, O`zLiDePнинг энг муҳим вазифаларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, партия фаолларининг ушбу соҳадаги фаолиятига фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчиликни жалб қилишдан иборатдир.

Ана шу мақсадда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида хотин-қизлар, аҳолининг бошқа қатламларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш йўлида ўтказилаётган партиявий лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, оилавий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий хусусиятига кўра ишбилармонликнинг янги шакли сифатида жамиятимизда тобора чуқур илдиз отяпти. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Тадбиркор фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қонун ва фармонлар хусусий секторнинг самарали фаолият олиб боришида муҳим омил бўляпти.

— «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги опа-сингилларимизни ҳам тадбиркорликка жалб этиш имконини беряпти, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Масалан, ўтган йили 11 минг нафардан ортиқ хотин-қизнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш, жойларда тағибот-ташвиқот ишларини кучайтириш йўли билан 180 нафар хотин-қизга 4 миллиард сўмдан ортиқроқ кредитлар ажратилишига эришдик. Лойиҳанинг жорий йилги туман, шаҳар босқичи доирасида шу кунга қадар 150 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, 5 мингга яқин аёлга амалдаги қонунлар, соҳада яратилган имтиёз ва тадбиркорликка оид бошқа маълумотлар берилди. «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ҳам демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, сайловлар йилида партиямиз олдида турган долзарб вазифалар хусусида турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ташкил этяпмиз. Бу эса ўз навбатида, юртдошларимизга O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларидан кенгроқ хабардор бўлишларига имконият яратмоқда.

— Ўтган йили Тошкент вилоятида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида 1500 нафар хотин-қиз иштирок этган эди, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Муяссар Жамолиддинова. — Танлов ғолибларига тижорат банкларидан 500 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари олишга ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилда мазкур лойиҳа доирасида бунданда юқори натижалар кутиляпти. Шу кунгача «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» тадбирлари доирасида жойларда 60 дан зиёд турли шаклдаги тадбир ташкил этилиб, уларга мингдан ортиқ хотин-қиз жалб этилди.

Тадбир давомида, шунингдек, Ўзбекистонда банк-кредит сиёсати, имтиёзли кредитларни расмийлаштириш ва қайтариш тартиблари, гаров таъминоти, турларини расмийлаштириш мавзуларида маърузалар тингланди.

Анжуман қатнашчилари, шунингдек, юксак маънавиятли ва интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасидаги ислоҳотларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим тизимини янада мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият берилмоқда, — деди тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нодира Каримова. — Буни таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизи ёки давлат бюджетининг 35 фоизи сарфланаётганида ҳам кўриш мумкин. Эътиборлиси, давлат бюджетининг таълим соҳасига йўналтирилаётган қисмига мамлакат миллий бойлигининг ўсиши учун сарфланаётган инвестициялар сифатида қаралмоқда.

Тадбир якунида малакали тиббиёт мутахассислари томонидан Зангиота туманида истиқомат қилаётган 200 нафарга яқин аёл бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

## Маҳсулотга талаб ортмоқда

НАВОИЙ ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «КАРМАНА ТИКУВЧИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА 15 ТУРДАГИ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётда хусусий секторнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.



– Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити биз, тадбиркорларнинг янада самарали фаолият юритишимизга хизмат қилмоқда, – дейди жамият директори Озода Ражабова. – Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, «Асака» банкнинг вилоят филиалидан 158 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдик. Айни пайтда 25 нафар хотин-қиз цехнинг ўзида меҳнат қилаётган бўлса, 15 нафари касаначилардир. Жамоанинг қарийб ярмини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади. Шу кунларда аёллар кийимларига компьютер ёрдамида бошқариладиган бежирим безаклар босиш дастгоҳи ўрнатилмоқда. Бу ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада ошириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Корхона буюртма асосида таълим муассасалари ўқувчилари, болалар ва катталар, аёллар учун мавсумбоп либослар тайёрлайди. Жамият жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 10 миллион сўм даромад олди.

– Кармана саноат касб-ҳунар коллежини битириб, уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашганман, – дейди Дилбар Чориева. – Бу ерда самарали ишлаш учун барча шароит яратилган. Энг муҳими, маҳсулотимизга бўлган талаб ортиб, харидорларга манзур бўлмоқда.

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Европа»га кириш текин

**3-8 июнь кунлари юртимизнинг уч шаҳри — Тошкент, Самарқанд ва Бухорода Европа киноси фестивали ўтиши хабар қилинмоқда.**

**Маълумотларга кўра, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси билан ҳамкорликда иккинчи марта ўтказилаётган мазкур фестиваль доирасида Евроиттифоққа аъзо бўлган 11 та давлатнинг 13 та фильми намойиш этилади.**

**Хусусан, киномухлислар бир ҳафта давомида словениялик киноижодкорлар томонидан суратга олинган комедия, Испания киностудиясида «ишлаб чиқарилган» соқовча «арт-хаус» (томошабинни ўйга толдирадиган кино) йўналишидаги асарлар, шунингдек, Латвияда тайёрланган қисқа метражли мультфильмлар ҳамда польшалик киноижодкорларнинг муҳаббат қиссасини томоша қилишлари мумкин бўлади.**

**II Европа киноси фестивали доирасидаги барча фильмлар бепул намойиш этилади.**

## Шакарбекнинг 2 млн. жўжаси

**Қарши шаҳридаги «Арабхона» маҳалласида истиқомат қилувчи Шакарбек Ҳамроев етакчилик қилаётган «Эзгу Диёр паррандаси» масъулияти чекланган жамиятида йил бошидан бери 98 минг бош жўжа очирилиб, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари, ҳарбий қисмлар, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, шунингдек, кам таъминланган оилаларга арзон баҳоларда етказиб берилди.**

**— Ўз фаолиятимизни 2011 йили «Асака» банкдан 30 млн. сўм кредит олиб, бошлагандик, — дейди тадбиркор. — Ўша йилиёқ мижозларга «Ломан Браун Классик» ва «Ломан Лис Классик» турига мансуб 35 минг бош наслли жўжа етказиб бердик. Жорий йилда эса банкдан 70 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқариш қувватини 2 млн. донага етказдик.**

**Ўз мухбиримиз.**

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин».**

Абу Али Ибн Сино.

# Ўзбекистон — ёшлар мамлакати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган ажойиб ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан юқоридагидек ҳолатлар ҳар қандай кишини ўйлашга, фикр юритишга ва албатта хулоса чиқаришга ундайди. Минг шукурки, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш ғояси илгари сурилиб, ёшлар учун энг қулай шароитлар яратиб берилди. Зеро, Ўзбекистон ҳам демографик хусусиятига кўра, ёшлар мамлакати ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилувчи аҳолининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларнинг жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши келажак манфаатлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ўз-ўзидан ойдинлашади.

Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу масалага оид 30 дан ортиқ қонун қабул қилинди. «Таълим тўғрисида», «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунлар, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» шулар жумласидандир. Улар ёшларнинг куч ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда пухта асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, йилларга ном беришда ҳам навқирон авлод вакиллари манфаатлари инобатга олинаётгани, хусусан, 2008 йилга «Ёшлар йили», 2010 йилга «Баркамол авлод йили», жорий йилга эса «Соғлом бола йили» деб ном берилгани ва ана шундай мақсадларга қаратилган Давлат дастурлари қабул қилинаётгани Ўзбекистонда ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан нишонадир.

1997 йили Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниши эса ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 2004-2009 йилларда 8,5 мингдан ортиқ янги мактаб биноси қурилди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 1,4 триллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Натижада нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ мактабларида ҳам замонавий шарт-шароитлар вужудга келиб, таълим тизимида туб сифат ўзгаришларига эришилди. Буни ўқувчиларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида эришаётган улкан муваффақиятларида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Унинг сиёсати бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилига асосланади. Айни кунда юртимизда етти тилда, яъни ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида пухта таълим олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кўплаб иқтидорли ёшларимиз ушбу имкониятдан фойдаланиб, дунё аренаeasily чиқмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб чет тилларини 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш йўлга қўйилди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тимсолида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Дунё андозалари асосида барпо этилган бундай ўқув масканларини бугун республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида учратиш мумкин. Ёшларимиз уларда 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунар эгаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олмоқдалар.

Кейинги йилларда олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилгани кузатилади. Жумладан, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар кенг жорий этилган олий таълим муассасалари сони 2 баробарга кўпайиб, жами 70 тага етди. Бу эса ёшларнинг касбий иқтидори ва илмий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, пойтахтимизда Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби етакчи хорижий олий ўқув юртларининг 6 та филиали самарали фаолият юритаётганини таъкидлаш ўринлидир. Жорий йилда улар қаторига Жанубий Кореянинг Инха университети филиали ҳам қўшилди.

Юртимиздаги мавжуд олий ўқув юртларининг илғор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар билан жиҳозланганлиги, уларда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг юксак салоҳияти таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. CNN телеканали ахборотига кўра, 2012 йили саводхонлик даражаси бўйича юқори — 99,4 фоиз кўрсаткичга эришган Ўзбекистон таълим инновацияларини қўллаш соҳасида дунёда иккинчи ўринни банд этди.

Чиндан ҳам бугун мамлакатимизда ёшларни ота-боболаримиз анъаналарига садоқат руҳида камол топтириш, уларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий дунёқарашини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатини пухта ўзлаштириш, соҳага ихтисослашган мактаблар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этиш жоиз. Мусиқа ва санъат таълимига берилаётган бундай эътибор туфайли ўқувчи-ёшларнинг маҳорати ошиб, уларнинг халқаро танлов ҳамда фестиваллардаги иштироки кенгайиб бораётир. Жумладан, 2013 йилнинг ўзида 107 нафар истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Руминия, Голландия, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон ва Туркманистонда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли қатнашдилар.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Янги истеъдод эгаларини кашф этаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» мусобақаларига бўлган қизиқиш тобора ошиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Ўтган давр мобайнида ушбу спорт мусобақаларида ўз профессионал маҳоратини намойиш этган кўпгина ёшларимиз Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

Гап ёшлар ҳақида борар экан, ушбу масала нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллаганини таъкидлаш жоиз. O`zLiDeРнинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» каби лойиҳалари ҳам ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилаётир. Соддароқ айтганда партия тадбиркорларнинг янги авлодини тайёрлашга ўзига хос ҳисса қўшяпти. 2009-2013 йиллар мобайнидагина «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларидан 6 минг нафарига тадбиркорликка оид билим ва тушунчалар берилди. Бугунги кунда лойиҳанинг 2 806 нафар иштирокчиси тижорат банкларидан 13 миллиард 159 миллион 300 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги ташаббуслари изчил қўллаб-қувватланяпти. Зеро бу давр талабидир. Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик эса навқирон авлод вакиллари қалбида акс-садо бериб, уларни янгидан-янги марралар сари етакламоқда.

> ***Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган ажойиб ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан юқоридагидек ҳолатлар ҳар қандай кишини ўйлашга, фикр юритишга ва албатта хулоса чиқаришга ундайди. Минг шукурки, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш ғояси илгари сурилиб, ёшлар учун энг қулай шароитлар яратиб берилди.***



# Қулай бизнес муҳити бор. Ташаббус керак, холос

## Ўз бизнесини бошлаётган битирувчилар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга вилоят кенгашининг Ёшлар бўлими ҳам муносиб ҳисса қўшяпти

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

— Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга жуда катта эътибор қаратилаётгани ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларини янада оширмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Зафар Қобилов. — Айниқса, «Соғлом бола йили»да бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Зеро, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш оилалар фаровонлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда O`zLiDeP илгари сураётган лойиҳалар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Ўтган йили 130 та касб-ҳунар коллежини 93 та мутахассислик бўйича 43819 нафар йигит-қиз битириб чиққан эди. Уларнинг 555 нафарига тижорат банклари томонидан 6 миллиард 534 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу эса 719 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

— Анчадан бери асаларичилик билан шуғулланишни орзу қилардим, — дейди Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик коллежи битирувчиси Мирзоҳид Муҳаммадиев. — Коллежни битирибоқ, «Туронбанк»нинг Шаҳрисабз филиалидан 6 млн. сўм кредит олиб, тадбиркорликка қўл урдим. Айни пайтда фойда эвазига асалари уяларини кўпайтириб, маҳсулот ҳажмини икки бараварга оширишга ҳаракат қиляпман.

Наргиза Бойқобилова ҳам Чироқчи агросаноат коллежини битиргач, «Агробанк»нинг туман филиалидан 5 млн. сўм кредит олди. Ота-онаси ёрдамида мевали боғ яратди. Қарши агробизнес касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ғиёсиддин Мустанов эса 5 млн. сўмлик кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйди. Муборaклик Шаҳло Рўзиева янги тикув цехини ишга туширди.

— Аҳолини цитрус мевалар билан таъминлаш мақсадида иссиқхона ташкил этдим, — дейди Шаҳрисабз қурилиш ва уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мафтуна Ҳамидова. — Бунда «Агробанк» туман филиалидан ажратилган кредит менга қўл келди. Энди паррандачиликни кенгайтирмоқчиман.

Шу ўринда бир рақамга эътибор қаратсак. Жорий йилда вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини битираётганларнинг 1156 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдиришибди. Энг асосийси эса уларга тижорат банкларидан 9 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган. Ҳозиргача битирувчиларнинг 121 нафарига 1 млрд. 927 млн. сўм молиявий кўмак берилди.

O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» фаолларининг фикрича, айни пайтда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллай оладиган ёшларни тарбиялаш, улар бандлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилаётган ёшлар сони тобора ортаётгани ёшларга оид давлат сиёсатининг реал натижаларидир.

# Никоҳ шартномасига имзо чекканмисиз?

## Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 30-моддасида никоҳ шартномаси қайд этилган кундан бошлаб кучга кириши, унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилиши аниқ белгилаб қўйилган

Бундай шартнома имзолаш учун фуқаролар муомала лаёқатига эга бўлишлари, агар улардан бири муомала лаёқатига эга бўлмаса, унинг номидан шартномани ишончли вакили тузишга ҳақли бўлади. Шу ўринда никоҳ шартномаси эр-хотин розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигини ҳам таъкидлаш лозим. Бироқ бу ёзма шаклда, нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт.

Шартномага кўра, тўйда келинга берилган сеп, совға-салом ва ҳадялар унинг мулкига айланади. Шунинг учун ҳам ажралиш ҳолати юзага келган тақдирда берилган буюмларни қайтарилишини талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Шу ўринда фуқаролик судларида кўрилаётган аксарият ишлар эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ мулкий низолардан иборат эканини таъкидлаш мумкин. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзандлар тақдирига бевосита дахлдор бўлган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида адлия органлари, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари, қолаверса, бошқа жамоат ташкилотлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмoқда. Никоҳ шартномасининг тузилиши эса ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Оила кодексининг 29-моддасида: «Никоҳланувчи шахсларнинг (ёки) эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси» ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Демак, мазкур шартномада эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларга эътибор қаратилиб, турли ҳолатларда уларнинг мол-мулклари қандай, қай тартибда, қай миқдорда тақсимланишига аниқлик киритилиши мумкин. Шу маънода никоҳ шартномасини ҳар қандай оиланинг мустаҳкамланишига қаратилган битим, деб атасак тўғрироқ бўлади.

Шу билан бирга бу шартнома халқимизнинг миллий қадриятларига уйғун, оилани муқаддас санашга ундовчи маънавий восита ҳамдир. Болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчалари, шунингдек, аёлнинг ёш болалари билан ҳеч бир манбасиз, бошпанасиз қолмаслиги мазкур муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, оила риштасини мустаҳкамловчи никоҳ шартномасига оиланинг умумий мулкини асраб-авайловчи, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи ҳужжат сифатида қараш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий тафаккурини белгилайди.

**Ирода Мустафоева,**
**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси**

# O`ZLIDEРНИНГ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМАН

Бугун юртдошларимизнинг ҳар тўрт нафаридан бири тадбиркор, десам хато бўлмайди. Ушбу қатлам вакилларининг эркин фаолият юритиб, ўз иқтидорини тўла намоён этишлари учун кенг имтиёз ва қулайликлар яратиб берилгани айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланишига мустаҳкам замин яратди.

Айни пайтда турли учрашув, давра суҳбатларида тадбиркорларнинг ижтимоий масъулияти хусусида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, давр билан ҳамқадам бўлиш, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш ва муҳим ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Оддий бир тадбиркор сифатида мен ҳам O`zLiDeРнинг ғоя ва мақсадлари тўғри эканига ишонч ҳосил қилгач, унга аъзо бўлдим. Ўтган қисқа давр мобайнида партияга аъзолик — имтиёз эмас, балки катта ишонч ва масъулият эканини тушуниб етдим.

Жамоамиз асосан сиёсий етук, иқтидорли ёшлардан иборат. Энг муҳими, эришилаётган натижаларда ҳар бир ходимнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Ислоҳотларнинг бугунги босқичи эса қаерда ва қандай вазифада ишламайлик, ҳар биримиздан юртимиздаги тинчлик, фаровонлик ҳамда бугунгача эришилган беқиёс натижаларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишимизни фуқаролик бурчига айлантирди. Ана шу талабдан келиб чиқиб, партия томонидан ўртага қўйилаётган вазифаларни рўёбга чиқаришда бундан буён ҳам куч-ғайратимни аямайман.




**Аҳмат НЕКБАЕВ,**
**«Техкафолат люкс» хусусий корхонаси раҳбари.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

21 (549)-сон, 2014 йил 29 май, пайшанба

## Сармоялар фаровонликка хизмат қилмоқда

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида O`zLiDeP шаҳар кенгаши томонидан ҳудудга хорижий сармояларни янада кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТлар етакчилари ва талабалар иштирок этган тадбирда Урганчда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг бутунлай янги қиёфага киришига хизмат қилаётгани таъкидланди. Депутатлар, қуйи бўғин етакчиларининг фикрича, ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришда O`zLiDePнинг ўрни алоҳида бўлиши лозим.

## Ҳаракатда барака

Касби туман Фермерлар кенгашида иш олиб бораётган БПТнинг навбатдаги йиғилишида бўлажак сайловларга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Тадбирда O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Ж.Суяров сўзга чиқиб, бошқа ҳудудларда бўлганидек, Касбида ҳам муҳим сиёсий тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрилаётгани, хусусан, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур англайдиган, фидойи ва ташаббускор кишилар номзоди илгари сурилаётганини таъкидлади. Йиғилишда, шунингдек, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ф.Турсунов, Савдо-саноат палатаси масъул ходими Д.Нуриддинов ва бошқалар ушбу муҳим масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

## Митанда ҳам кўпчиликмиз

«Митан пахта заводи» ОАЖда «Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари, улар илгари сураётган ғоялардаги фарқлар. O`zLiDeP ғояси» мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди. O`zLiDeP Самарқанд вилоят ҳамда Иштихон туман кенгаши мутасаддилари иштирок этган тадбирда партия низоми ва дастурида белгилаб олинган вазифалар, устувор йўналишлар асосида олиб борилаётган ишлар Иштихон тумани мисолида таҳлил этилиб, либерал-демократик ғояларни ёшлар ҳамда электорат вакиллари орасида кенгроқ тарғиб этиш лозимлигига эътибор қаратилди. БПТ етакчиси Ш.Норбоевнинг таъкидлашича, 100 нафар O`zLiDeP аъзоси бўлган корхонада ана шундай очиқ мулоқот ва давра суҳбатларидан кейин партия аъзолигига қабул қилишни сўраб мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда.

**Ўз мухбиримиз.**



## Юқори натижаларга қуйи бўғинда замин яратилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Қайд этилишича, 2013 йили шаҳар партия кенгаши томонидан демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш йўналишидаги вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш учун «Мулкдор оила», «Диплом билан – бизнесга», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» каби лойиҳалар амалга оширилган. Уларда қатнашган 200 нафарга яқин ёшга 240 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар олишга ёрдам кўрсатилди. Айниқса, «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан – бизнесга» лойиҳалари йилдан-йилга ёшлар қизиқишини орттираётир. Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда эса «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари яхши натижалар берганини уларда 400 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этганида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашида 17 нафар O`zLiDeP аъзоси депутатлик фаолиятини олиб бораётгани, улар томонидан ўтган йили тегишли ташкилот ва идора мутасаддиларига 6 та, шунингдек, бошқа масалаларга оид 20 та депутатлик сўрови юборилгани, гуруҳ мажлисларида 4 та мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, 2 та назорат-таҳлил тадбири амалга оширилгани маълум қилинди. O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Ботиров эса ана шундай натижаларга қарамай, 2013 йили бирорта ҳам масала шаҳар кенгаши сессиясига олиб чиқилмаганидан энг аввало депутатлар, қолаверса, шаҳар партия ташкилоти мутасаддилари жиддий хулоса чиқариши лозимлигини таъкидлади.

— Бундай ҳолат 5 мингга яқин тадбиркорлик субъекти иш олиб бораётган ҳудудда сайловчиларни ўйлантираётган ҳаётий масалалар депутатларимиз эътиборидан четда қолаётганини кўрсатди, — деди И.Ботиров. — Бас, шундай экан, сайловлар йилида ҳар бир депутат ўз фаолиятини танқидий баҳолаши керак.

2014 йилнинг I чорагида ҳам ана шундай эътиборсизликка йўл қўйилаётгани Самарқанд шаҳрида жуда кўп имкониятлар бой берилаётганини англатади. И.Ботиров, шунингдек, бўлажак сайловлар натижаси кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари ишига боғлиқ эканини, ушбу бўғин фаолиятини кучайтиришга бирламчи эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

*Бундай ҳолат 5 мингга яқин тадбиркорлик субъекти иш олиб бораётган Самарқанд шаҳрида сайловчиларни ўйлантираётган ҳаётий масалалар депутатлар эътиборидан четда қолаётганини кўрсатади.*

Тўғри, 2014 йилнинг I чорагида Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Шуҳрат Шамсиев томонидан туман ҳокимлигига фаолиятини тўхтатган кичик бизнес субъектларига қандай амалий ёрдам кўрсатилаётгани хусусида депутатлик сўрови юборилган.

Аммо халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашида 17 нафар депутат фаолият олиб бораётгани инобатга олинса, бу мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганидан далолатдир.

2594 та партия аъзоси бўлган Самарқанд шаҳрида 70 та бошланғич ташкилот иш олиб бораётгани ҳам шаҳарда тарғибот-ташвиқот ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани, электорат вакиллари билан ўтказилаётган мулоқот ва учрашувлар яхши натижа бермаётганидан далолатдир.

O`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида ана шундай масалалар атрофлича муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

## Партиявий лойиҳалар асосида

### Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги 300 дан ортиқ фермер хўжалиги ҳамда 500 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига O`zLiDeP аъзолари етакчилик қилмоқдалар

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Зайнаб Маҳмудованинг таъкидлашича, айни пайтда туманда 1300 нафарга яқин партия аъзоси бўлиб, улар 24 та бошланғич ташкилотга уюшган ҳолда иш олиб боришмоқда. Айниқса, туман Фермерлар кенгаши, Почта-алоқа хизмати, Пахта тозалаш заводидаги қуйи бўғинларда жонкуярлик, изланиш, қонунлар ижросини назорат қилиш жараёнидаги фаоллик туфайли самарали натижаларга эришиляпти.

— Бошланғич ташкилотларнинг ўтган йиллардаги фаолияти таҳлиллари аъзолар ташаббускорлигига кўп нарса боғлиқ эканини кўрсатмоқда, — дейди туман Фермерлар кенгашида иш олиб бораётган БПТ етакчиси Ботир Ғаниев. — Бу эса зиммамиздаги партиявий масъулиятни янада оширади. Тўғри, аъзоларимиз ҳозирча кам. Бироқ яқинда фермерларимиздан яна 10 нафари O`zLiDeP сафига кириш истагини билдириб, ариза берди. Аъзоларимизнинг ўртача ёши 30 да. Улар орасида қишлоқ мулкдорлари, олий маълумотли ҳисобчи, агроном ва бошқа соҳа мутахассислари кўпчиликни ташкил этади. Дейлик, «Хўжаев Довудбек» фермер хўжалиги раҳбари Сайёрахон Хўжаева 10 га яқин аъзоси бўлган БПТга етакчилик қилиб, билдирилган ишончни тўла оқламоқда. Туманимизда 20 га яқин кўп тармоқли фермер хўжалиги бўлиб, улар асосан турли хил маҳсулотлар етиштириб, қайта ишлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Шу ҳисобдан 2013-2014 йиллар мобайнида 100 га яқин янги иш ўрни барпо этилди. Энг муҳими, асосий таянчимиз бўлган қуйи бўғин фаоллари ташаббусни ўз қўлларига олиб, кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаряптилар.

Яқинда Почта-алоқа корхонасида ҳам янги БПТга асос солинди. 29 нафар аъзони бирлаштирган ушбу ташкилотга Равшан Абдуллаев етакчи этиб сайланди. Унинг айтишича, бугунги ислоҳотлар жараёнида омма билан ҳамнафас бўлиш, турли ҳаётий масалаларни ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш ҳар бир партия аъзосининг бурчидир. БПТ фаоллари ҳар ойда йиғилиб, янги қабул қилинган қонунлар, уларнинг ижроси юзасидан ўзаро фикрлашадилар. Жойларда депутатлар, мутасадди идоралар вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар, ёшлар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Бугун туманда 500 дан ортиқ кичик ҳамда хусусий бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан ишлаб чиқариш ва сервис соҳаларига ихтисослашган. Ўтган йили 50 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлса, уларнинг аксариятини O`zLiDeP аъзолари бошқаришмоқда. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркор ва фермерларнинг улуши ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Ўтган йили тумандаги 224 та тадбиркорлик субъектига тижорат банклари томонидан 13,1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни барпо этилиб, уларга асосан касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар қабул қилинди.

Мана, бир неча йилдирки, O`zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида туман ёшлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Ўтган йили пискентлик Ўктаммирзо Мирзаҳамдамов банкдан имтиёзли кредит олган эди. Толибжон Мўминжонов эса аҳоли талаб-эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, туманда замонавий мебель ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини барпо этишга муваффақ бўлди. Ана шуларнинг ҳаммасида O`zLiDeP туман кенгаши, жойларда фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Зеро ҳар қандай ибратли ташаббус қуйидан бошланиб, пухта заминга эга бўлгандагина кутилган натижаларни беради.

## Ягона мақсад сари

### O`zLiDePнинг 900 нафар аъзоси 58 та қуйи бўғин атрофига уюшган ҳолда иш олиб боряпти

**Ахроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Наманган туман молия бўлимида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот атрофига бирлашган аъзолар сони эса 100 нафарга етган. Уларнинг 60 нафари ҳудуддаги умумтаълим мактаблари ўқитувчиси бўлса, 40 нафарини молия ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходими ташкил этади.

— Турли соҳа вакиллари бир мақсад йўлида бирлашиб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб боряптилар, — дейди БПТ етакчиси Улуғбек Холиқов. — Сафимизда иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингари партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу эса навқирон авлод вакилларини ҳаётга тайёрлаш, уларнинг муносиб касб-кор эгаси бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур қуйи бўғин ўзининг ҳозиржавоблиги ва сиёсий фаоллиги билан ажралиб туради. БПТ йиғилишларини ўз-ўзини танқид руҳида ўтказиш одат тусига кирган. Уларда маҳаллий кенгаш депутатларининг фаол иштироки таъминланаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ерда турли сиёсий адабиётлар, Президент асарлари, вақтли матбуот нашрлари билан танишиш мумкин.

Ана шуларнинг барчаси маслакдошларнинг ғоявий билим даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. БПТнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бу борадаги яратилган қулайликлардан унумли фойдаланиш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

— Ҳозир туманда 280 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 72 таси кўп тармоқлидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Аҳоли талаб-эҳтиёжлари чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчиликни теппатенг ривожлантиришни тақозо этмоқда. Яъни, эл-юрт дастурхони янада тўкин бўлиши, бозорларда нарх-навонинг арзонлашиши учун қатъият билан иш олиб бориш талаб этилади. Биз ушбу масаланинг ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, соҳани янада ривожлантириш учун ушбу масалани халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига олиб чиқиш учун ўз амалий таклифларимизни тайёрлаяпмиз. Ишонамизки, партия фаолларининг фикр-мулоҳазалари эътибордан четда қолмайди.




XASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta
2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда!
Мурожаат учун телефон:
(8 371) 215-63-80.
e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

# Ҳақиқатга айланаётган орзулар

**Бундан 23 йил муқаддам юртимизда мулкдорлар синфи шаклланиши, уларнинг хорижга нафақат хом ашё, балки тайёр маҳсулот экспорт қилишини тасаввурга ҳам сиғдириш қийин эди. Истиқлол йилларида ана шу орзулар ҳақиқатга айланди. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар Ўзбекистонни дунёга танитаяпти**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

— Эндиликда кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантирмай туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди, — дейди ТИФ Миллий банки ҳузуридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий филиали директори Илҳом Темиров. — Соҳага тобора катта эътибор қаратилиб, зарур имтиёз ва қулайликлар яратилаётгани натижасида минг-минглаб тадбиркорларимиз жаҳон бозорига ҳам чиқмоқдалар. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғармaнинг Навоий вилоят филиали томонидан ўтган қисқа давр оралиғида турли ҳамкор ташкилотлар ёрдами билан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хориж бозорларидан муносиб ўрин эгаллаш учун мулкдорларга зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳи аъзолари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги тавсияси асосида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган корхоналарнинг иқтисодий имкониятлари, маҳсулот турлари ҳамда ассортиментини аниқлаш, шунингдек, муҳим тижорат таклифлари ва маълумотларни таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Шу асосда ҳозиргача Кармана туманидаги «Навоий картон қоғози» МЧЖ, Қизилтепа туманидаги «Раҳим» кичик корхонаси, «Бўстон чинниси» каби ўнга яқин тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий потенциали, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлиги ва рақобатбардошлиги ўрганилиб, маълумотлар базасига киритилди. «Навоий Гипс инвест» масъулияти чекланган жамият билан Россия Федерациясидаги мижозлар ўртасида 70 минг АҚШ доллари миқдорида оҳак етказиб бериш бўйича шартнома тузилишига кўмаклашилди.

Таъкидлаш жоизки, Нурота туманидаги «Мел маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ушбу корхона Хитой Халқ Республикасидан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган. Ўз вақтида кўрсатилган амалий ёрдам туфайли корхона Қозоғистон Республикасининг «Иззатулла» фирмаси билан 350 минг АҚШ доллари миқдорида «микрокальцит» маҳсулотини етказиб бериш бўйича шартнома имзолаб, унинг дастлабки намуналарини хорижлик харидорларга жўнатишга эришди. Бунинг учун корхонага филиал томонидан каттагина ҳажмда молиявий ёрдам кўрсатилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

— Туманимиз ҳудудида мавжуд бўлган оҳактош захираси ҳамда замонавий ускуналар қувватидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида ишни икки сменада ташкил этдик, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Эргашев. — Бу бир кеча-кундузда 60-70 тонна оҳактош қазиб олиш, қўшимча 10 та иш ўрни яратиш имконини берди. Қолаверса, ҳадемай қуруқ аралашмалар тайёрлаш цехини фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз. Ана шунда яна 16 нафар кишининг бандлиги таъминланиб, рўзғорига қут-барака киради.

Эслатиб ўтамиз: хитойлик ҳамкорлар билан имзоланган келишув шартномасига кўра, вилоятда барпо этиладиган янги қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган 24 турдаги қурилиш материалларининг 20 тасини тайёр маҳсулот ташкил этади ва уларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Ушбу корхонани 2015 йилнинг апрелида фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Ҳа, бугун мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, унинг дунёвий мавқеини мустаҳкамлаш, ўз сифатли маҳсулотлари билан хориж бозорларини қатъият ила эгаллаётган фидойи тадбиркорларнинг интилишларини кузатар эканмиз, донишманд ота-боболаримиз «Қимирлаган қир ошар», деган мақолни бежиз айтмаганлигига, буларнинг барчаси мустақиллик шарофати эканлигига яна бир карра амин бўламиз.

## Жиззахнинг Пишоғори Францияда ҳам машҳур

Зомин туманидаги Пишоғор қишлоғида жойлашган Хўжаи Сероб ота зиёратгоҳида ўлкашунослик музейи иш бошлади. Маълумотларга кўра, қишлоқнинг қадимги тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи 500 дан ортиқ экспонат орасидан жой олган тангалар, ҳунармандчилик ва деҳқончилик асбобларининг аксарияти III асрга мансубдир. Эътиборлиси, ушбу қишлоқ анча вақт илгари ноёб тарихга эга бўлган маскан сифатида хорижлик мутахассислар эътиборини ҳам тортган. Буни зиёратгоҳ ҳақидаги маълумотларнинг Европа ва Осиё мамлакатларининг бир қатор туристик компаниялари сайтларига жойлаштирилганидан ҳам кўриш мумкин. Жиззах вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, яқинда Пишоғорда бўлган бир гуруҳ франциялик ва малайзиялик меҳмонлар музейнинг очилиши сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашган. Шу ўринда айни пайтда сайёҳларга қулай шароит яратиш мақсадида қишлоқнинг тўртта хонадонида уй-меҳмонхоналари ташкил этилиб, чет тилини биладиган икки нафар гид бириктирилганини айтиш лозим.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**
Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.
Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**

Давлат солиқ қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

***Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.***

Олтинчи мулоқот **2014** йилнинг **6** июнида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари жавоб қайтаради.

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.**
**(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

ЭЪЛОН

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

IPOTEKA BANK

**Сизларга ўз маблағларингизни кўпайтириш, шунингдек, коммунал тўловларни тўлашда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

**«ЯХШИ СОВҒА» ютуқли омонати**
**Сақлаш муддати:** 4 ой
Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. Омонатга фоизли даромад тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи якунига кўра ютуқ тўланади. Ютуқ омонат муддати тугаганидан сўнг берилади. Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм. Ютуқлар тиражи 2014 йил июль ойининг биринчи ярмида ўтказилади.

**«КОММУНАЛ-АКТИВ»**
**Сақлаш муддати:** 3, 6, 9 ва 12 ой
Омонатга фоизлар олдиндан ҳисобланиб, омонатчининг аризасига кўра тегишли коммунал ташкилотларининг ҳисобварақларига коммунал тўловлар учун ўтказиб берилади.

**«КОММУНАЛ-ПЛЮС»**
**Сақлаш муддати:** 12 ой
Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад омонатчининг аризасида кўрсатилган коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ҳар ойда ёки омонатчи хоҳлаган муддатда коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

**«КОММУНАЛ-ЛЮКС»**
**Сақлаш муддати:** 1 ой
Омонатга қўйилган маблағлар белгиланган сақлаш муддати тугаганидан сўнг унга ҳисобланган фоизли даромад билан бирга омонатчи аризасида кўрсатилган коммунал ташкилот ҳисобварағига коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

**Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

*«Ипотека-банк» – имконият яратамиз*





Мурожаат учун телефонлар:
(371) 150-89-17
(371) 150-89-57
(371) 150-89-58

Хизматлар лицензияланган

**Қорақалпоғистон Республикаси «Туран Ким-зыят саудасы» МЧЖ Элликқалъа туман филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион Элликқалъа тумани ҳокимининг **2009** йил **20** июндаги **740/6**-сонли, **2010** йил **19** апрелдаги **393/4**-сонли, **2011** йил **29** сентябрдаги **533/9**-сонли, **2012** йил **22** июндаги **362/6**-сонли, **2012** йил **27** февралдаги **100/2**-сонли, **2014** йил **5** апрелдаги **192/4**-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа туманидан **88** (саксон саккиз) та ер участкаси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

**1.** «Бўстон» шаҳри, Истиқлол кўчаси, **87**-кварталидан **9**-сонли ер участкаси. Бошланғич баҳоси **138000** сўм.
**2.** «Тоза боғ» овули, «Маданият» аҳоли пункти **98**, **152**-контуридан **4**-сонли ер участкаси.
**3.** «Тоза боғ» овули, «Жеткеншек» аҳоли пункти **1108**-контуридан **1**-сонли ер участкаси.
**4.** «Тоза боғ» овули, «Жеткеншек» аҳоли пункти **754**-контуридан **6**-сонли ер участкаси.
**5.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **823**-контуридан **1**-сонли ер участкаси.
**6.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **824**-контуридан **2**-сонли ер участкаси.
**7.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **820**-контуридан **11**-сонли ер участкаси.
**8.** «Қирққиз» овули «Бургутқалъа» аҳоли пункти **934**, **1021**ч-контуридан **400**м2 бўлган **1**-сонли ер участкаси.
**9.** «Қирққиз» овули, «Беруний» аҳоли пункти **1752**-контуридан **10**,**13**,**14**,**15**-сонли ер участкалари.
**10.** «Қирққиз» овули, «Беруний» аҳоли пункти **1500**-контуридан **16**-сонли ер участкаси.
**11.** «Қилчиноқ» овули, «Файзиобод» аҳоли пункти **785**-контуридан **1**,**2**-сонли ер участкалари.
**12.** «Қилчиноқ» овули, «Араб» аҳоли пункти **744**,**737**-контуридан **1**,**2**,**6**-сонли ер участкалари.
**13.** «Навоий» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти **815**-контуридан **9**-сонли ер участкаси.
**14.** «Елликқала» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти **1392**-контуридан **41**-сонли ер участкаси.
**15.** «Қилчиноқ» овули, «Қилчиноқ» аҳоли пункти **784**-контуридан **1**,**2**,**3**,**4**-сонли ер участкалари.
Ушбу ер участкаларининг сатхи **400** кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси **119 040** сўм.
**16.** Бўстон шаҳри, Соҳибкор кўчаси **100**-кварталидан **4**-сонли ер участкаси.
**17.** Бўстон шаҳри, Фирдавсий кўчаси **102**-кварталидан **8**-сонли ер участкаси.
**18.** Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, Фирдавсий кўчаси **103**-кварталидан **19**-сонли ер участкаси бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси **63 720** сўм.
**19.** Бўстон шаҳри, Ойбек кўчаси **70**-кварталидан **12**-сонли ер участкаси. Бошланғич баҳоси **56640** сўм.
**20.** «Амиробод» овули, «Амиробод» аҳоли пункти **756**-контуридан **2**-сонли ер участкаси.
**21.** «Навоий» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти **587**-контуридан **1**,**2**-сонли ер участкалари.
**22.** «Навоий» овули, «Дўстлик» аҳоли пункти **1**,**2**-сонли ер участкалари.
**23.** «Қирққиз» овули, «Қирққизобод» аҳоли пункти **1593**-контуридан **5**-сонли ер участкаси.
Ушбу ер участкаларининг сатхи **400** кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси **33 120** сўм.
**24.** «Қилчиноқ» овули, «Пахтачи» аҳоли пункти **785**-контуридан **10**-сонли ер участкаси.
**25.** «Шарқ юлдузи» овули, «Шарқ юлдузи» аҳоли пункти **33**,**34**,**37**-контурларидан **14**,**15**,**16**-сонли ер участкалари.
**26.** «Қирққиз» овули, «Қирққизобод» аҳоли пункти **739**-контуридан **5**-сонли ер участкаси.
**27.** «Қирққиз» овули, «Улуғбек» аҳоли пункти **1667**-контуридан **18**,**20**-сонли ер участкалари.
**28.** «Тоза боғ» овули, «Тоза Амиробод» аҳоли пункти **854**-контуридан **5**-сонли ер участкаси.
**29.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **498**-контуридан **5**-сонли ер участкаси.
**30.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **814**-контуридан **7**-сонли ер участкаси.
**31.** «Тоза боғ» овули, «Қизиляримой» аҳоли пункти **818**-контуридан **8**-сонли ер участкаси.
**32.** «Елликқала» овули, «Чайка» аҳоли пункти **110**,**111**-контуридан **12**,**13**,**14**-сонли ер участкалари.
**33.** «Гулистон» овули, «Қириққиз» аҳоли пункти **1738**-контуридан **6**,**7**,**8**,**9**,**10**-сонли ер участкалари.
**34.** «Бухан-мерей» овули **286**,**290**-контуридан **37,38,39,40,41,42,43,44,45,46,47,48,49,50,51,52,53**-сонли ер участкалари.
**35.** «Навоий» овули, «Қоракўл» аҳоли пункти **1399**-контуридан **79**-сонли ер участкаси.
**36.** «Навоий» овули, «Навоий» аҳоли пункти **1677**-контуридан **9**,**19**,**27**,**28**-сонли ер участкалари.
**37.** «Амиробод» овули, «Ўрнак» аҳоли пункти **821**-контуридан **76**-сонли ер участкаси.
**38.** «Амиробод» овули, «Ўрнак» аҳоли пункти **828**-контуридан **1**-сонли ер участкаси.
**39.** «Амиробод» овули, «Коинот» аҳоли пункти **280**,**282**-контуридан **7**,**10**,**11**,**17**,**21**-сонли ер участкалари.
**40.** «Елликқала» овули, «Чайка» аҳоли пункти **114**-контуридан **16**-сонли ер участкаси.
**41.** «Елликқала» овули, «Чайка» аҳоли пункти **90**,**124**-контуридан **1**-сонли ер участкаси.
**42.** «Сарабий» овули, «Думанқалъа» аҳоли пункти **406**,**412**-контуридан **20**,**21**,**22**,**24**-сонли ер участкалари.
Ушбу ер участкаларининг майдони **600** кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси **14 880** сўм.

Аукцион савдоси **2014** йил **3** июль куни соат **11.00** да Элликқалъа туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади. Буюртномаларни қабул қилиш **2014** йил **2** июль куни соат **18.00** да тўхтатилади.

Мазкур ер участкалари **2014** йил **3** июль куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер участкаларининг такрорий аукцион савдолари **2014** йилнинг **3** август, **3** сентябрь, **3** октябрь, **4** ноябрь ва **3** декабрь кунлари соат **11.00** да Элликқалъа туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилиш **2014** йил **1** август, **2** сентябрь, **2** октябрь, **3** ноябрь ва **2** декабрь кунлари соат **18.00** да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда маркетинг ва маслаҳат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг **1/2** бўлаги миқдорида қўшимча тўловлар тўланади ва тузиладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг **100** фоиз миқдоридаги закалат пулини «Туран Ким-Зыят Саудасы» МЧЖ Элликқалъа туман филиали «Турон банк» Нукус шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: **2020 8000 9047 9270 1001**, МФО **00585**, СТИР **301273292**.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб **20** (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртномани тақдим этади:
* Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспортининг нусхаси;
* хорижий юридик шахслар – уларнинг давлат руйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
* хорижий фуқаролар – чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорти;
* Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
* закалат пулини тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртномалар қабул қилинадиган манзил:**
Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри И. Аллабергенов кўчаси, **5**-уй.
Телефон: (**8-361**) **222-00-84**, **714-35-25.** Расмий сайт: Turankzs.kr.uz. Лицензия: **0041.** Хизматлар лицензияланган!

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
## мажмуаси жамоаси

мустақил юртимиз келажаги бўлмиш
шириндан-шакар фарзандларимизни
1 ИЮНЬ –
ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ
билан қизғин муборакбод этади.
«Соғлом бола йили»да
янада улғайиб, камол топинг,
улуғ аждодларимизнинг
муносиб ворислари,
эзгу ишларининг давомчилари бўлинг,
азиз болажонларимиз!







# Машъала Наманганга йўл олди

**Мамлакатимизда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари машъалаларини Паркентдаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан аланга олдириш анъанага айланган**

28 май куни мазкур институтда мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг Наманган шаҳрида ўтказиладиган «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақалари машъаласини қуёш нурларидан ўт олдириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар, спортчи ва санъаткорлар иштирок этди.

...Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган «Баркамол авлод-2014» машъаласини футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Аббосбек Махситалиев, стол тенниси бўйича жаҳон чемпионати совриндори, халқаро турнирлар ғолиби Нодира Бурхонхўжаева майдонга олиб киради. Машъалани улардан олган бокс бўйича Осиё чемпиони, Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шаҳзод Аширбоев Наманган вилояти сари йўлга тушди.

«Баркамол авлод – 2014» машъаласи олиб ўтилаётган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида ўтган ана шундай тадбирларда Президентимиз Ислом Каримов томонидан асос солинган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

– Юксак савияда ташкил этилаётган «Кичик олимпиада»га катта тайёргарлик кўрдик, – дейди Олмалиқ тиббиёт коллежи ўқувчиси, теннисчи Муниса Тошпўлатова. – Асосий мақсадимиз ушбу йирик спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этишдир. Шунингдек, мусобақалар давомида тажриба ошириш, дўстлар орттириш, Наманганнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имконига эга бўлаётганимиздан хурсандмиз.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Денис ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эга



Парижда теннис бўйича дунё миқёсидаги энг нуфузли тўртта мусобақадан бири — «Улкан тож» туркумига кирувчи Франция очиқ чемпионати ўтказилмоқда.

Асосан «Ролан Гаррос» турнири номи билан машҳур бўлган мазкур мусобақада юртимиз шарафини бир неча йиллардан буён Денис Истомин муносиб ҳимоя қилиб келаётир. 27 май куни ушбу турнирнинг биринчи босқичида украиналик Сергей Стахоавскийни 6:3, 6:4, 2:6, 6:3 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз кейинги раундга йўл олди. Навбатдаги учрашувда теннисчимизга германиялик Филипп Кольшрайбер рўбарў бўлади. Эътиборлиси, бир неча кун аввал Денис айнан шу рақибига «Дюссельдорф опен» турнирининг ярим финалида имкониятни бой берганди. Демак, Истоминда ўша мағлубият аламини олиш имконияти бор.

Ўз навбатида, вакилимиз жаҳон рейтингидаги мавқеини яхшилаб, 49-ўринга кўтарилиб олганини айтиб ўтиш лозим.

«Ролан Гаррос» турнирининг иккинчи босқичидан ўрин олган Филипп Кольшрайбер – Денис Истомин учрашуви бугун кечқурун бўлиб ўтади.

РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
SARDOR AVTO INVEST
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.



## Пиёдамисиз ёки машинадами, энди фарқи йўқ

Финляндияда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчи машинасига ўтирмасидан ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, бундан буён полициячилар эътиборига тушган маст пиёда ҳам ўз гувоҳномасидан ўша заҳоти маҳрум этилади. Жануби-ғарбий Финляндия полиция комиссари Туомо Катаянинг таъкидлашича, агар ҳайдовчи бир неча йил давомида ҳушёрхонага тушса ҳам унга нисбатан ана шундай чора қўлланилади. Яъни, ҳушёрхонага уч марта тушган шахс гувоҳномасидан осонгина айрилиши мумкин. Таъкидлаш жоиз, ушбу тартиб ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш қоидаларига асосланган бўлиб, унга кўра мунтазам равишда алкоголь ёки наркотик истеъмол қиладиган шахслар ҳайдовчилик гувоҳномасини ололмайдилар.



## 2,5 тоннага — битта автомобиль

Хитойлик бир фуқаро янги автомобиль харид қилиш учун 1 юанли тангалардан 100 минг юань (16 минг АҚШ доллари) йиғиб, 2,5 тонна тангани тўлагани учун Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Қайд этилишича, харидор автосалон раҳбариятини машина учун белгиланган пулни танга кўринишида тўлаши ҳақида олдиндан огоҳлантирган. Мижознинг таклифига рози бўлган автосалон ходимлари бир неча соат ичида фақатгина 50 минг тангани ҳисоблаганлари боис қолган маблағни кредит картаси орқали тўлашни илтимос қилишган.



## Оғули мактуб

Миссисипи штатининг Абердин шаҳар суди фуқаро Эверетт Датчкени 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Маълум бўлишича, у АҚШ президенти Барак Обама ва сенат аъзоси Рожер Уикер ҳамда Миссисипидаги судьялардан бирига ҳаёт учун хавфли бўлган — рицин заҳари солинган хат жўнатганликда айбланган. Суд ҳукмига кўра ушбу жиноятчи қамоқдан чиққанидан кейин яна беш йил синов муддатини ҳам ўтайди.




Мана, баҳор фаслини ҳам кузатмоқдамиз. Жазирама ёз эса эшик қоқиб турибди. Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 29 май-5 июнь кунлари ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Тоғли ҳудудларда сел келиши хавфи бор. Ҳарорат ўртача 32-37 даража илиқ атрофида бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 29-31 май кунлари эса унинг тезлиги 15-20 м/сгача кучайиши мумкин. Республикамизнинг Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси +20...+25, кундузи +32...+37, ҳафта охирига бориб кечаси 13-18, кундузлари +25...+30 даражагача пасайиши кутиляпти. Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида кечаси +13...+18, кундузи +30...+35, ҳафта охирига бориб +30 даражагача пасайиши мумкин. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда дам олиш кунлари термометр миллари тунда +13...+18, кундузи +25...+30 даражани кўрсатади. Тоғли жойларда ёмғир пайтида момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси +10...+15 даражадан +5...+10, кундузлари эса +13...+18 даражадан +10...+15 даражагача пасайиши мумкин.




Солих ЗОИР олган сурат

## Озод юртнинг обод оиласи

Пойтахтимизнинг «Ракат» маҳалласидагилар Суҳроб Акобировлар хонадонини ибратли оилалардан бири сифатида тилга оладилар. Ёшлигидан учувчиликка қизиққан Суҳробжон дастлаб авиация лицейи, кейин эса Тошкент авиация институтида таҳсил олиб, магистр дипломига эга бўлди.

Ўз фаолиятини Тошкент халқаро аэропортида «Ил-114» русумли самолётларга техник хизмат кўрсатиш цехидан бошлади. Бўш вақтларида эса хусусий бизнес билан шуғулланиб, муайян муваффақиятларга эриша бошлагач, ахборот-коммуникация соҳасига эътиборини кучайтирди. Айни пайтда у ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган «Invocen Telekom» фирмасининг бош директори вазифасида хизмат қиляпти. Суҳроб Акобиров O`zLiDeP аъзоси сифатида ҳам маслакдошлар орасида ўзига хос обрўга эга.

Аҳил оила бекаси Умидахон эса шифокор. Айни пайтда барча ҳавас қилаётган ушбу хонадонда икки фарзанд — Малика ва Лайло камолга етмоқда.

## Одил Аҳмедов ЦСКАга ўтади... ми?



Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Анжи» (Махачқалъа) футбол клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов ўз фаолиятини Москванинг ЦСКА клубида давом эттириши мумкин. «Спорт-Экспресс» нашрининг хабар беришича, айни пайтда 26 ёшли футболчининг агенти ҳамда «Анжи» раҳбарияти билан музокаралар олиб бораётган «армиячилар» ўйинчини ижарага олишни ёки унга тегишли бўлган ҳуқуқларни 8 миллион еврога сотиб олишни режалаштирмоқдалар.

Ўз навбатида, БАА клубларидан бири ҳам Одилга катта моддий манфаат келтирадиган шартномани имзолаш бўйича таклиф билдирганини айтиш мумкин. Бундан ташқари жорий йил бошида Россиянинг «Краснодар» жамоаси ҳам футболчимизга «чақирув қоғози» жўнатган, аммо «Анжи» раҳбарияти бу таклифга рози бўлмаган эди.

Маълум бўлишича, мавсумлар оралиғида ЦСКАни жамоанинг икки нафар швециялик футболчиси — Расмус Эльм ва Понтус Вернблум тарк этади. Шунинг учун ҳам мураббийлар Аҳмедов ёрдамида таркибни кучайтириш ниятидалар. Эслатиб ўтиш жоиз: ўтган мавсумда Россия чемпионлигини қўлга киритган ЦСКА бу йил «Зенит» ва «Локомотив»ни ҳам ортда қолдириб, ўз унвонини сақлаб қолди.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Нафъинг агар халққа бешакдурур**
**Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.**
**Илмни ким воситайи жоҳ этар,**
**Ўзинию халқни гумроҳ этар».**

Алишер Навоий.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети (Рус тили ва адабиёти республика педагогик институти) томонидан Огий Татьяна Владимировна номига берилган Г-II №344418-рақамли (17/86) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Наманган вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаевга падари бузруквори **Турғун ота АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ. Сайфулла ИКРОМОВ. Шаҳзод НАЗАРОВ. Озод РАЖАБОВ. Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил. хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент. Нукус кўчаси. 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com. xxi_asr@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 28 **Тираж:** 17109
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
**Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.**